

ИНТЕРМАТНЛИК ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ: АЛЛЮЗИВ ОНИМЛАР ВА КИНОЯ

*S. Hasanov*¹

Аннотация:

Бадиий матнни ўрганишга интерматнли ёндашув матн билан маданиятнинг бирлашган нуқталарини ёритиш имконини яратади: маданият хоссаси сифатида матн унинг узвий қисми бўлиб, ўзида олдинги ва ҳозирги маданий макон тажрибаларини жамлайди. Бундан ташқари, бадиий матн интерматнли алоқаларини аниқлаш унинг мазмун-моҳиятини очишга имкон бериб, бу ўз навбатида киноявий контекстларнинг структураси ва семантикасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: intertextuality, intercultural relations, allusion.

doi: <https://doi.org/10.2024/evqfss10>

XX – XXI асрларда маданиятлараро алоқаларнинг фаоллашуви ва кенгайиши билан боғлиқ ҳолда матн тадқиқи янги қирралар касб эта бошлади. Матнни ўрганиш муаммолари матннинг умуммаданий, тарихий, ассоциатив алоқаларни акс эттирувчи бошқа матнлар билан ўзаро алоқаларини яратиш хусусияти сифатида интерматнлик, диалогик ўзаро таъсир нуқтаи назаридан ўрганила бошландики, бу тилнинг турли замон сатҳларида матнларнинг ўзаро бир-бирига сингиши тўғрисида сўз юритиш имконини беради (бирламчи, иккиламчи матн, намунали андозавий матн). Тадқиқотчиларнинг интерматнликка қизиқиши аввало тил соҳиби сифатида шахснинг катта миқдордаги иккиламчи асарлар ўраб турганлиги билан боғлиқ. Ушбу иккиламчи ахборот аллюзиялар воситасида ҳам яратилади. Адабиётшуносликда аллюзия деб, умуммаълум ҳодиса, сюжет ва жумлага ҳаволага, ишорага айтилади. Аллюзия ёрдамида муаллифлар ўз асарларини янги маъно-мазмунлар билан бойитадилар, мифология, тарих, адабиёт ва фалсафани қайта англайдилар ҳамда ўтимш билан мунозарага киришадилар. “Аллюзия” лотинча *allusidere* сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, уни “ҳазил ишора” сифатида таржима қилиш мумкин. Интерматнлик адабиёт мавжудлигининг шаклидир. Мулоқот жараёнида матн талқинининг фаол иштирокчиси ўқувчи ҳисбланади. Асар маъно-мазмунини тушуниш унинг ҳаётий, маданий ва тарихий тажрибалари туфайли юз беради. Идрок этилаётган асар таъсирида ўқувчи ўзини ўраб турган оламни янги қиёфада кўра бошлайди. Матн тушунилмай қолмаслиги ёки юзаки, қисман тушунилмаслиги учун ўқувчи юқори даражада билимдон бўлиши лозим ва интерматнда яширилган зарурий маълумотни топа олиши шарт. Аллюзия вербал восита бўлиб, унинг ёрдамида муаллиф ўзининг ғояларини ихчам ва қисқа шаклда ифодалаш учун уларни муайян қобиққа ўраши лозим. Ўқувчининг вазифаси – матндаги шу қобиқни кўра олиш ва унга яширилган маълумотни кашф қила олишдир.

Интерматнликни матн доирасида у ёки бу лисоний маркерлар воситасида матн доирасида воқеланувчи категория деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотчилар интерматнликнинг турли белгиларини алоҳида ажратадилар: иқтибос, ўзлашма нутқ, ҳавола, референция, аллюзия кабилар. Шулар жумласига аллюзив топонимлар – географик номлар, тил соҳиби томонидан идрок этилиш ва унинг когнитив ҳамда миллий олам манзарасида сақланиш жараёни билан боғлиқ тарихий ва маданий хусусиятли лисоний бирликлар ҳисобланади. Топоним маълум бир халқнинг маданий

¹ *Hasanov Suhrob Shavkat o'g'li, Samarkand State Institute of Foreign Languages*

хотирасини сақлаш ва узатиш воситасидир. Бадиий асарда ҳамма элементлар муаллифнинг ғоявий мақсадига бўйсундирилган бўлиб, унинг амалда воқеланиши тасодифий деталлар юзага келтириши мумкин бўлган ахборотий чалкашликларни кўзда тутмайди. Бадиий асар топонимикаси асар хронотопидаги макон тушунчасининг узвий қисми ҳисобланади. Постмодернистик асарда топонимик номлар ўзлари воқелантирадиган матндан ташқи маълумотлар туфайли муаллиф билан ўқувчи ўртасидаги интеллектуал ўйиннинг бир қисмига айлана олади.

Э.М.Левинанинг таъкидлашича, топонимлар у ёки бу миллий уюшманинг қадриятлари, стереотиплари, маданиятини акс эттирувчи миллий хусусиятли белгилар сифатида ҳақиқий когнитив маконни қуриш воситасидир. Интерматнга нисбатан қўлланганда, айтиш лозимки, контекст доирасида топоним ишлатилганида ўқувчи онгида ассоциатив алоқалар юзага келади ва улар маъно сатҳида жамланиб, нафақат номловчи, балки хабар берувчи, таъсир қилувчи ва баҳоловчи вазифаларни бажаради. Топоним макон-замон лисоний муҳити доирасида воқеланади ва матнни объектив борлиқ билан ўзаро боғлайди. Бунда улар ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланилиши мумкин, моҳиятан олганда, маънонинг метонимик кўчиши юз беради. Шу тарзда топонимлар рамзлар ролини бажаради.

Тадқиқотимизда топонимларнинг уч семантик сатҳини алоҳида ажратишни таклиф этамиз: 1) аниқ объект/воқелик ҳодисасига мансуб топоним, 2) келиб чиқиш билан боғлиқ ва тарихий ҳамда мифологик топонимлар, 3) ассоциатив топонимлар. Иккинчи ва учинчи сатҳлар объектив маконнинг ўзига хослигини этник, ҳудудий, мифологик, маданий-тарихий, миллий алоқаларни ҳисобга олган ҳолда намоён қилади.

Таҳлил қилинаётган асар контекстида маданий-тарихий хронотоп бу ўзаги асар қурилишининг таркибий қисмлари сифатидаги замон ва макон категориялари бўлган майдондир. Баҳодир Қобул ўзининг “Тановор” асарида сув йўли, темир йўл, шамол йўли каби хронотоплардан маҳорат билан фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Ушбу хронотоп воситалари Жиззахнинг қадимий, шонли ва қонли тарихини, шу эл учун қадрли ва қимматли манзилларни, миллий-маданий аҳамиятли жойларни, Жиззах қўзғолони билан боғлиқ тарихий-маданий хотираларни тасвирлашга хизмат қилади. Ҳеч шубҳасиз, барча лисоний воситалар маданий-тарихий маълумотларни ифодалашнинг ўзига хос маркерларидир:

“Иссиқ-совуқнинг дамани, тўртта ёмғирнинг намани, бир парча булутнинг ғамани кўтаролмай, бўлар-бўлмасга ҳовлиқиб, хишмаланиб, оғзи кўпириб келадиган довдир сел Аймоқ қалъасида Македония подшоси Файлакуснинг ўғли Искандардан қолган манжаниқнинг бутни айириб қўйнига солгандаям, Чингизхон Сартюзи кўрғонига узунасига экиб кетган учи айри сихнайзаларни тун қоронғусида занг-панги билан кураклари орасига қарсиллатиб қадаганидаям, Қутайба Новқа Ота чиннихонасини кўксини чил-чил қилиб, исқотига тортилган чироқ синиқларни сидириб, куппа-кундуз кўзларига қуйгандаям бунчалик бунчалик хўрланмаганди...”

Асарнинг ономастик макони ҳам тарихий маълумотларни ўқувчи онгида қайта гавдалантириш вазифасини бажаради. Масалан, юқорида келтирилган парчада биз сел (сув йўли) хронотопик воситаси ёрдамида муаллифнинг китобхонга шу ўлка тарих давомида бошидан кечирган воқеаларга аллюзив онимлар: антропоним ва топонимлар билан ишоралар билан мурожаат қилади: антропоним тарихий номлар – Файлакус, Искандар, Қутайба, Чингизхон; топоним тарихий номлар – Аймоқ қалъа, Новқа Ота чиннихонаси, Сартюзи кўрғони.

Топонимлар маълум фактларга оид маълумотларга нисбатан янада мазмунлироқ бўлади, чунки азалдан жой, манзилнинг номини муайян шахс ёки ҳодисага боғлаш анъанаси мавжуддир. Шу сабабли ҳар бир географик ном ортида миллатнинг тарихи, анъаналари, турмуш тарзи, муаллиф таассуротлари ётади.”Тановор” асари матнида

аниқланган топонимларни биз қуйидаги мавзувий гуруҳларга ажратишни маъқул топдик:

1. Хоронимлар (бирор бир ҳудуд, вилоят, туман номи): Самарқанд, Жиззах, Андижон, Туркистон, Туркия, Россия, Сибир, Британия, Жанубий Африка, Ҳиндистон, Жануб, Ғарб, Шарқ;
2. Гидронимлар (сув объектлари номи): Каттасой, Жум-жумсой, Санглоқ, Кўжар, Сангзор, Қили, Арнасой, Тузкон, Айдарқўл, Туятортар, Совуқбулоқ, Зарафшон, Сирдарё ва бошқалар;
3. Астионимлар (шаҳарлар номи): Тошкент, Жиззах шаҳри, Санкт-Петербург, Москва кабилар;
4. Оронимлар (макон рельефи билан боғлиқ тоғ, қир, адир, тепаликлар номи): Ойқор, Шунқор, Қароқчитоғ, Ғўбдин, Каттатоғ, Танги қири, Чонғи қири, Ўртабаланд қири, Дунётепа;
5. Ойконимлар (аҳоли яшаш жойлари номи): миллатнинг тарихий, диний, маданий маконлари – Ўснат Ота, Новқа Ота, Боғмозор Ота, Авлиё Ота, Темир Қопқа, Илонўтти; русларнинг мустамлакачилик сиёсати натижаси ўлароқ юзага келган ва Жиззах қўзғолони воқеалари билан боғлиқ манзиллар – Боғдон, Сангзор вулуслари, Большой Михайловка, Милютинский, Куропаткино, Ломакино, Урсатовск, Обручево ва бошқалар;
6. Урбонимлар (шаҳар ичидаги топографик объектлар): Жиззах Ўрдаси, бозор, кўчалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Қобул Б. Отачиноқ. Тошкент, "MASHHUR – PRESS", 2021, 656 бет.
- [2]. Интертекстуальность художественного дискурса: материалы Всероссийской научной конференции (г. Астрахань, 20 апреля 2018 г.) / сост.: Г. Г. Исаев, А. А. Боровская, Т. Ю. Громова, И. Ю. Целовальников; под ред. Е. Е. Завьяловой. — Астрахань: Астраханский государственный университет, Издательский дом «Астраханский университет», 2018. — 242 с.
- [3]. Карлик Н.А. Интертекстуальные связи романа А. Нотомб «Сладкая ностальгия» // Верхневолжский филологический вестник. — 2018. — №2. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/intertekstualnye-svyazi-romana-a-notomb-sladkaya-nostalgiya> (дата обращения: 02.10.2023).
- [4]. Конькова И. И. Топонимы как маркеры вторичного текста в англоязычном научно-техническом дискурсе / И. И. Конькова // Молодой ученый. — 2017. — № 2 (136). — С. 736-741.
- [5]. Кудряшева Ф.С. Прецедентные топонимы как средство построения реального художественного пространства (на материале романа С. Тессона «В лесах Сибири») // Доклады Башкирского университета. — 2018. — Т. 3. — № 1. — С. 76- 82.
- [6]. Левина Э.М. Может ли быть прецедентным топоним? // Филологические науки. Вопросы теории и практики. — 2016. — № 4-2. — С. 115-119.
- [7]. Кудряшева Ф.С. Прецедентное имя как проявление интертекстуальности в художественном тексте (на материале романа А. Макина «Французское завещание») // Вестник Башкирского университета. — 2016. — №3. — С. 693-697.
- [8]. Лютавина Е. А. Реалии как лингвистическое явление / Е. А. Лютавина // Молодой ученый. — 2015. — № 14. — С. 488-490.
- [9]. Темирболат А. Б. Категория хронотопа в свете современных научных концепций литературоведения // Филологические науки в России и за рубежом: материалы I Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, 2012 г.). СПб.: Реноме, 2012.

- [10]. Халилова А. Интертекстуальность как когнитивная категория художественного текста // *Иностранная филология: язык, литература, образование*. — 2016. — № 1(1 (58)). — С. 82–87.
- [11]. Haiman J. *Talk Is Cheap: Sarcasm, Alienation, and the Evolution of Language*. / J. Haiman. — New York : Oxford University Press, 1998. — 222 p.
- [12]. Hatim B. *The Translator as Communicator* / B. Hatim, I. Mason. — London : Routledge, 1997. — 224 p.
- [13]. Lennon P. *Allusions in the Press: An Applied Linguistic Study* / P. Lennon. — New York : Mouton de Gruyter, 2004. — 298 p.
- [14]. Wilson D. *On Verbal Irony* / D. Wilson, D. Sperber // *Irony in Language and Thought. A Cognitive Science Reader* / ed. by H.L. Colston and R.W. Gibbs. Lawrence Erlbaum Associates. New York, London. 2007. — P. 35—56.